



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 11 сентябрь, № 188 (9083)

Пайшанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»НИ АМАЛГА ОШИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳри губернатори Александр Беглов бошчилигидаги Россия делегациясини қабул қилди.



Ўзбекистон — Россия ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада кенгайтириш, энг аввало, Санкт-Петербург шаҳри билан иқтисодий кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсаётгани мамнуният билан қайд этилди — ўтган йил якунларига кўра ҳудудлар даражасидаги экспорт-импорт ҳажми 20 фоизга ошди. Пойтахтимизда Ишбилармонлик маркази фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, Янги Тошкент ҳудудида “Петербург мавзеси”ни барпо этиш лойиҳасини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Россия делегациясининг бу галги ташрифи чоғида металлургия, ускунасозлик, йўл қурилиши, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, логистика ҳамда бошқа соҳаларда 23 та кооперация лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Хусусий тиббиёт, таълим, коммунал хўжалик, рақамли технологиялар, миграция ва туризм соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ тақлифлар қўлаб-қувватланди.

Фаол гуманитар алоқаларни давом эттириш ва қўшама маданий тадбирларни мунтазам ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил октябрь ойида икки мамлакат ҳудудлари кенгашининг иккинчи йиғилишини самарали ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни кўришга қелишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ СТАНДАРТЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШДА ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШ ПЛАТФОРМАСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ҳамкорлигида “Халқаро меҳнат стандартларини илгари суришда касаба уюшмаларининг роли: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтмоқда.

Анжуман

Анжуманнинг биринчи ялпи мажлисини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.

Конференцияда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (ХКУК), Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси Умумевропа минтақавий кенгаши мутасаддилари, Европа, Осиё, Африка ва Америка касаба уюшмалари марказлари вакиллари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда миллий ва хорижий экспертлар иштирок этмоқда.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева анжуман иштирокчиларини қутлаб, халқаро меҳнат стандартларини илгари суришда касаба уюшмаларининг ўрни, шунингдек, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳ-



натни таъминлаш ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш йўналишларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тўхталди. Кенг қамровли мазкур анжуман “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган мутлақо янги ижтимоий сиёсатнинг мазмун-моҳияти ва натижаларини дунё ҳамжамиятига етказиш, халқаро меҳнат стандартларини илгари суриш бўйича ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат эканлиги қайд этилди.



БИЛИМЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Олий Мажлис Сенатида “Эл-юрт умиди” жамғармасининг жорий йилги биринчи очиқ стипендия танловида муваффақият қозонган ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Сенат ва ёшлар

Унда сенаторлар ғолиб ёшларни табриклаб, уларнинг билим олиш, хорижий тилларни пухта эгаллаш, янги гоя ва ташаббусларни илгари суриш йўлидаги интилишлари мамлакатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

Тадбирда айтилганидек, Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар сони 19 миллиондан кўпни ташкил қилиб, улар умумий аҳолининг қарийб 60 фоизини қамраб олади. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан зиёд навиқрон авлод вакиллари кириб келмоқда. Шу боис ёшларни қўлаб-қувватлаш стратегик аҳамият касб этади. Бу йўналишда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган 100 дан ортиқ қонун ва қонуности

ҳужжатлари қабул қилингани ургуланди.

Мулоқот давомида ёшларнинг таълим олиши, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва стартап лойиҳаларини қўлаб-қувватлаш, замонавий билим ва касбларни эгаллашлари учун яратилган имкониятлар ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали хорижда таълим олиш жараёнлари ҳақида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, нуфузли халқаро таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшлар ўзларининг юксак маданияти ва маънавиятини намоян қилиб, юртимизнинг муносиб фарзандлари сифатида ўз соҳасининг етук мутахассисига айланиши, келажақда Ватан тараққиётига салмоқли ҳисса қўиши зарур.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИДА МАСЪУЛЛИК ВА ЗАРУРИЙ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама этилди, ақсарияти қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Шунингдек, парламент сўрови юборишга оид масала ҳам кўриб чиқилди. Депутатлар ҳар бир масала муҳокамасига дахлдорлик ҳисси билан ёндашди.

Маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш асоси

Мажлисида “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди.

Ушбу лойиҳа фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишда аниқ тартиб-таомилларни белгилаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органла-

ри ходимларининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларидан ҳимоя қилишни назарда тутди.

Лойиҳада маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона ва шартли механизм яратилишига оид нормалар акс этиб, бу жараёнларда коррупциявий ҳолатлар юзага келишининг олдини олишга қаратилган қоидалар киритилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар, ҳуқуқшунослар иштирокида қизғин муҳокама қилингани, сиёсий партиялар фракциялари, депутатларнинг тақлифларидан ке-

либ чиқиб, унга тегишли ўзгаришлар киритилгани қайд этилди.

Мазкур ўзгаришлар ҳуқуқни қўлаш амалиётида келиб чиқиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар, ҳар хил ёндашувларнинг олдини олиш, қонун нормаларининг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида киритилиб, лойиҳа матни тақомилга етказилгани таъкидланди.

Мунозаралар давомида қонун лойиҳаси депутатлар фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари асосида маромига етказилгани, унда назарда тутилган нормалар фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



Ўзбекистон ва Венгрия: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атаниязова Венгрия Миллий ассамблеяси раиси ўринбосари Иштван Якаб билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги парламентларо ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ҳамда

уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, кейинги йилларда икки томонлама парламентларо алоқалар сезиларли даражада фаоллашгани таъкидланди.

Сўхбатда таълим, фан ва соғлиқни сақлаш ҳамда экология соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишларда ўзаро тажриба алмашишни кенгайтириш ва қўшама лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдорлик билдирилди.

Икки томонлама мулоқотни илгари суришда парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари муҳим ўрин тутди таъкидланди. Шу нукта назардан, Олий Мажлис Сенатида фаолият юритаётган Венгрия Миллий ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳ эътироф этилди.

«Халқ сўзи».



Бейбут АТАМКУЛОВ:

БИРГАЛИКДА МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИНИНГ СТРАТЕГИК ЎЗАГИНИ ШАКЛЛАНТИРАМИЗ

Қозоғистон — Ўзбекистоннинг стратегик шериги ва ишончли иттифоқчиси. Ҳар икки мамлакат кўп қиррали давлатлараро алоқаларни янада чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Қозоғистон — Ўзбекистон муносабатлари бундан буён ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро қўлаб-қувватлаш руҳида жадал ривожланиб бораверади.

Дипломат минбари

— Яқинда Қозоғистонда Конституция куни нишонланди. Бу — давлатимиз асослари мустаҳкамлиги ва келажаққа интилишимизни ифодаловчи байрам. Орадан кўп ўтмай Ўзбекистон ўз мустақиллигини нишонлади. Қардош ўзбек халқини ушбу буюк байрам билан чин қалбимдан табриқлайман.

— Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни қандай баҳолайсиз? Жорий йилда бу борада қандай муҳим ютуқларга эришилди?

— Бугунги кунда Қозоғистон ва Ўзбекистон муносабатлари тарихий юқори даражада. Биз сиёсий, савдо-

Металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, логистика, қурилиш ва бошқа устувор йўналишларда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жорий йилда қатор маданий-гуманитар тадбирлар, жумладан, ёшлар, туризм ва таълим форумлари ўтказилди. Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бейбут АТАМКУЛОВ газетамизга берган интервьюсида шулар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни ўз ичига олган иттифоқчилик шериклигини ишончли тарзда ривожлантиришмоқдамиз. Ўтган йилнинг муҳим ютуқлари ҳақида гапирадиган бўлсак, Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Давлатлараро олий кенгашининг биринчи мажлисини қайд этиш лозим — бу давлат раҳбарлари даражасидаги икки томонлама ҳамкорлиқнинг янги механизмидир. Мажлис

ўтган йилнинг августида Остона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи доирасида бўлиб ўтди. Кенгашининг биринчи мажлиси якунлари бўйича жуда муҳим қарорлар қабул қилинди.

Парламент дипломатияси йўналишида қатта ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан расмий ташрифлар бўлиб ўтди: жорий йилнинг май ойида Олмаота шаҳрида Парламентларо ҳамкорлик кенгашининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов иштирок этди. 18-19 август кунлари Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева расмий ташриф билан Остонада бўлди.



